
«ФАРФОНААЗОТ» СИНГАПУРНИНГ INDORAMA CORPORATION КОМПАНИЯСИГА 140 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛМОҚДА

Давлат активларини бошқариш агентлиги «Фарфонаазот» устав капиталидаги 99,02 фоиз давлат акциялар пакетини хусусийлаштириш бўйича Indorama Corporation (Сингапур) компанияси билан келишувга эришилганини маълум қилди.

Жорий йил 16 январь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи арафасида Сингапурда ташкил этилган Бизнес-форумда «Фарфонаазот» устав капиталидаги 99,02 фоиз давлат акциялар пакети бўйича олди-сотди шартномасининг асосий шартлари (Term sheet) тўғрисидаги Келишув имзоланди.

Хусусийлаштириш жараёнига Deloitte халқаро консалтинг компанияси етакчи консултант, Халқаро Молия Корпорацияси (IFC) стратегик маслаҳатчи, KPMG халқаро консалтинг компанияси эса мустақил баҳоловчи сифатида жалб этилди.

Энг мақбул таклиф Сингапурнинг Indorama Corporation компанияси томонидан тақдим этилди. Таклифга кўра, сотиб олиш қиймати қарийб 140 миллион доллар (130 млн. доллар ва 107 млрд. сўм)ни ташкил этади.

Шунингдек, инвестор томонидан корхонани модернизация қилиш учун 100 миллион доллар миқдоридаги инвестиция киритиш мажбурияти олинади.

Келишилган шартларга кўра, Инвесторнинг мажбуриятларига Корхонанинг барча жорий ижтимоий дастурларини сақлаб қолиниши, жумладан, ходимлар сонини ва иш ҳақларини қисқартирмаслик, ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда замонавий экологик назорат тизимини ишлаб чиқиш киради.

Корхонани хусусийлаштириш натижалари Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг тегишли қарори билан маъқулланган.

Битимни тўлиқ яқунлаш учун, Корхонага ишлаб чиқариш мақсадлари лозим бўлган эҳтиёжларни, шу жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг эркин бозорини йўлга қўйиш ва табиий газ таъминоти каби масалаларнинг норматив ҳуқуқий ечимини таъминлаш зарур бўлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-18 09:39:55